

# Пудрат шартномаси № 4

Қарши шаҳри

2022 йил “30” сентябр

Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган томонидан Низомга асосан директори Қ.Ш.Рузибоев бир томондан ва ООО ALLIANCE STORY кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан Низом асосида раҳбари Ф.Бердиев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома техникумга қаршли ётоқхона ҳудудидаги оғраждения ва йулақларни жорий таъмирлаш ишлари.

Объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома энг яхши таклифини аниқлашқарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 130835841 (Бир юз ўттиз миллион саккиз юз ўттиз беш минг саккиз юз қирқ бир) сўмни ҚҚС сўммаси 17065544 сўмни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “\_\_” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 30 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт

воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** фоизи миқдоридан тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказиши, бу **39250752** сўмни ташкил этади. Қолган **70** фоизи **91585089** сўмни таъмир ишлари бажариб бўлингандан сунг пудратчига ўтказиб берилади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг **95** фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган **5** фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур

шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдориди амалга оширилади.

## VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.
19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.
28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари

хамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бухақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **VII. Ишларини кўриқлаш**

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва

агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **X. Кафолатлар**

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

45. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **XI. Шартномани бекор қилиш**

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. Алоҳида шартлар**

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга кирилади.

## XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

### “БУЮРТМАЧИ”

### “ПУДРАТЧИ”

Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат  
Саломатлиги техникуми

Тел 75 223 05 48

Қарши шаҳри И.Каримов кучаси 54-уй

ШХВ 400910860104017092902054001

ИНН: 202431557 ОКОНХ 92120

Молия вазирлиги Газначилиги

Қ/р 23402000300100001010

МФӨ 00014

ИНН: 201122910

Директор

К.Ш.Рузибоев



ООО ALLIANCE STROY

Тел 88 200 00 81

Муборак тумани кончилар маҳалласи

х/р 20208000800806136001


МФӨ01099

АТБ “Asia Alliance” Қарши ш филиали

ИНН: 305092817

Рахбар

Ф.Бердиев



*Ш.Ш. Орипов*  
30.09.2022 йил